

А.Б. Акпаева, Л.А. Лебедева, М.Ж. Минжасарова

МАТЕМАТИКА

Умумтаълим мактабларининг
2-синфи учун дарслик

2-қисм













Алматы
“Алматыкітап” – “Жазушы”
2017

УДК 373.167.1
ББК 22.1 Я 72
А 33

Қозғоғистон Республикаси
Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган

Ўзбек тилидаги нашрга “Жазушы” нашриёти тайёрлаган

Шартли белгилар

- | | |
|--|--|
|  – дарснинг мақсади | * – таққосланг $>$, $<$, $=$, \neq |
|  – муҳокама қилинг,
ўз фикрингизни билдиринг |  – сен тадқиқотчи |
|  – ёдда тутинг |  – гуруҳда ишлаш |
|  – дафтар билан ишлаш |  – жуфтликда ишлаш |
|  – масалани турли усул билан
ечинг |  – амалий иш |
|  – ким чаққон? |  – рационал ҳисобланг |
|  – тушириб қолдирилган сон,
белги | |

Акпаева А.Б. в.б.

А 33 Математика. Умумтаълим мактабларининг 2-синфи учун дарслик:
4-қисмли. 2-қисм / А.Б. Акпаева, Л.А. Лебедева, М.Ж. Минжасарова. –
Алматы: “Алматыкітап” – “Жазушы”, 2017. – 60 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-584-4

УДК 373.167.1
ББК 22.1 Я 72

ISBN 978-601-200-584-4

© Акпаева А.Б., Лебедева Л.А.,
Минжасарова М.Ж., текст, 2017
© “Алматыкітап баспасы» ЖШС, 2017
Ўзбек тилине “Жазушы” баспасында аударылды, 2017

АЗИЗ ДЎСТИМ!

Сиз мазкур дарсликнинг иккинчи бўлимида жуда ҳам кўп янгиликлар ва қизиқарли маълумотлар билан танишасиз.

Тўла юзликларнинг номини, юзликлар билан санашни ўрганасиз.

Юзликлар ичида қўшиш ва айиришни ўрганасиз.

Кундалик ҳаётда керак бўладиган ҳисоблашларнинг янги усуллари билан танишасиз. Ҳар бир инсон тўғри ва тез ҳисоблашни билиши лозим.

Ечиш жараёнида сиздан ақл, сабр ва идрокни талаб этадиган янги мантиқий топшириқлар кутмоқда. Меҳнатсевар ва талабчан бўлинг.

Сиз баъзи топшириқларни синфдош дўстларингиз билан биргаликда бажариб, гуруҳларда ишлашни ўрганасиз. Билим чўққиларини дўстларингиз билан биргаликда эгаллаш қизиқарли бўлади.

Биз, дарслик муаллифлари, сизларга омад тилаган ҳолда ютуқларга эришингизга ишониб қоламиз.



2-А БЎЛИМ. ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАРНИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ. ЮЗЛИКЛАР. МАСАЛАЛАР

Натурал сонлар ва 0 сони

Ҳаммасини билгим келади



Мен 12 гача бўлган рим рақамларини ўқишни ўрганаман.




1. Сонларни рим рақамлари билан ёзиш мумкин. Бундай рақамларни қаерда учратганингизни ёдингизга туширинг. Бу рақамларнинг келиб чиқиш тарихини билиб олинг. Рақамларнинг нималарга ўхшашига эътибор беринг. Ушбу сонларни кўрсатинг: 5, 10, 11, 12, 8, 6.



Рим рақамлари

I V X



1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII



2. Чизмаларни кўриб чиқинг. Намуна бўйича топшириқни ба-
жаринг.

март	Б	III
апрель	А	IV
май	Х	V
	О	
	Р	

	Ё	
	З	

	К	
	У	
	З	

	Қ	
	И	
	Ш	



3. Сонларни ўсиб бориш тартибида айтинг.



4. Ҳисобланг.

$$64 + 5$$

$$64 + 2$$

$$33 + 3$$

$$1 \text{ дм } 4 \text{ см} + 5 \text{ см}$$

$$42 + 5$$

$$47 - 6$$

$$78 - 5$$

$$9 \text{ дм } 7 \text{ см} - 5 \text{ см}$$

$$25 - 2$$


$$78 - 2$$

$$81 + 8$$

$$85 \text{ см} - 3 \text{ см}$$

5. Масалани ечинг.

Бизнинг синфда 6 та ўқувчи спорт, 5 та ўқувчи мусиқа билан шуғулланади, тасвирий санъат билан шуғулланувчи ўқувчилар сони эса спорт ва мусиқа билан шуғулланадиган ўқувчиларнинг биргаликдаги сонига тенг. Нечта ўқувчи тасвирий санъат билан шуғулланади?



6. Тушириб қолдирилган сонларни атанг.



Юзликлар – янги саноқ системаси


Қизиқиш билан ўрганаман




Мен саноқ бирлиги – юзликларни билиб оламан, 1000 гача юзликларда санашни ўрганаман.



1. 100 гача birlikларда сананг. 10 та қаламларни қандай аташ мумкин? 100 гача ўнликларда сананг.



Агар нарсалар кўп бўлса, уларни юзликларда санаш мумкин. Юзлик ҳосил қилиш учун нечта ўнлик боғланган? Юзликларда сананг.



$$1 \text{ юзлик} = 10 \text{ ўнлик} = 100 \text{ birlik}$$



- 1 юзлик – 100
- 2 юзлик – 200
- 3 юзлик – 300
- 4 юзлик – 400
- 5 юзлик – 500
- 6 юзлик – 600
- 7 юзлик – 700
- 8 юзлик – 800
- 9 юзлик – 900
- 10 юзлик – 1000

Тўла юзликларнинг номланишида сон ҳосил бўлаётган юзликлар сони айтилади:

- 2 юзлик – 200 (икки юз)
- 3 юзлик – 300 (уч юз)
- 4 юзлик – 400 (тўрт юз)
- 5 юзлик – 500 (беш юз)
- 6 юзлик – 600 (олти юз)
- 7 юзлик – 700 (етти юз)
- 8 юзлик – 800 (саккиз юз)
- 9 юзлик – 900 (тўққиз юз)



2. Юзликларни ўсиб бориш тартибида атанг. Қайси юзлик етиш-
маяпти?

900 300 200 400 100 600 700 500

3. Таққосланг.

$$\begin{array}{l} 9 \text{ ўнл.} * 7 \text{ юзл.} \\ 100 * 200 \end{array}$$

$$\begin{array}{l} 800 * 5 \text{ ўнл.} \\ 700 * 80 \end{array}$$

$$\begin{array}{l} 6 \text{ юзл.} * 8 \text{ ўнл.} \\ 900 * 5 \text{ юзл.} \end{array}$$

4. Берилган масалаларни қисқа ёзув билан ифодаланг. Уларни
ечинг.

а) Бир кунда кутубхонада ҳайвонлар ҳақидаги 7 та китоб, эртақ-
лар китоби эса ундан 9 та кўп берилди. Нечта эртақлар китоби
берилди?

б) Сауле якшанба куни 11 бет, душанба куни эса ундан 4 бет
кам китоб ўқиди. Сауле душанба куни неча бет китоб ўқиди?

в) Чоршанба куни кутубхонага 16 та ўқувчи, пайшанба куни
эса 9 та ўқувчи кирди. Кутубхонага қайси куни кўп ўқувчи кир-
ди ва қанча кўп кирди?

$$\begin{array}{l} \square - \square \\ \square - \square \end{array} \begin{array}{l} \curvearrowright \\ \curvearrowleft \end{array} ? \text{ ортиқ}$$



$$\begin{array}{l} \square - \square \\ \square - ?, \square \text{ ортиқ} \end{array}$$



$$\begin{array}{l} \square - \square \\ \square - ?, \square \text{ кам} \end{array}$$



5. Ҳисобланг.

$$\begin{array}{cccccc} 18 - 9 & 6 + 7 & 12 - 4 & 9 + 3 & 7 + 8 & 9 + 8 \\ 11 - 9 & 3 + 8 & 7 + 4 & 5 + 7 & 7 + 9 & 8 + 5 \end{array}$$

Ўнликларни қўшиш ва айириш



Ўқишда фаоллик



Мен 1000 гача бўлган юзликлар устида оғзаки ҳисоблашларни ўрганаман.



1. Юзликлар қандай ҳосил бўлганини тушунтиринг.



Ўнлик ёрдамида 100 сонининг моделини тузинг.



Ёзувларни кўриб чиқинг. Тўла юзликларни қандай қўшиш ва айиришни тушунтиринг.

а) $2 + 1$ $20 + 10$ $200 + 100$
 $3 - 1$ $30 - 10$ $300 - 100$

б) Ҳисобланг.

$300 + 100 = 3$ юзл. + 1 юзл. $400 + 500$
 $1000 - 100 = 10$ юзл. - 1 юзл. $800 - 200$



2. Берилган бирликларда ифодаланг.

$200 = \square \text{ юзл.}$

$900 = \square \text{ юзл.}$

$400 \text{ кг} = \square \text{ ц}$

$700 \text{ кг} = \square \text{ ц}$

$100 \text{ кг} = \square \text{ ц}$

$1000 \text{ кг} = \square \text{ ц}$



3. Ҳисобланг. Текширишни бажаринг.

а)

$400 + 200$

$700 - 200$

$300 + 200 + 300$

$1000 - 400 - 100$

$900 - (300 + 100)$

$600 + 300 - 100$

б) Ҳисобланг.

$25 + 3$

$78 - 6$

$34 - 2$

$23 + 4$

$79 - 5$

$45 + 3$

$96 - 2$

$35 - 2$

$41 + 2$

$27 - 5$

$42 + 6$

$32 + 3$

$600 - 300$

$200 + 700$

$1000 - 200$

$800 - 600$

4. Масала шартини таққосланг. Уларни ечинг.

а) Мактабимизда 600 та ўқувчи, қўшни мактабда эса бизга қараганда 200 та кўп ўқувчи ўқийди. Қўшни мактабда нечта ўқувчи ўқийди?

б) Бизнинг мактабда 600 та ўқувчи ўқийди, бу қўшни мактаб ўқувчилари сонидан 200 та ортиқ. Қўшни мактаб ўқувчилари сонини топинг.

в) Бизнинг мактабда 600 та ўқувчи ўқийди, бу қўшни мактаб ўқувчилари сонидан 400 та кам. Қўшни мактаб ўқувчилари сонини топинг.

г) Бир мактабда 400 та ўқувчи ўқийди, иккинчисда эса 500 та ўқувчи. Иккита мактабда жами нечта ўқувчи ўқийди?



5. Сонларни қандай қўшиш қулай?

$1 \text{ юзл.} + 2 \text{ юзл.} + 3 \text{ юзл.} + 4 \text{ юзл.} + 5 \text{ юзл.} + 6 \text{ юзл.} + 7 \text{ юзл.} + 8 \text{ юзл.} + 9 \text{ юзл.}$

$10 + 20 + 30 + 40 + 50 + 60 + 70 + 80 + 90$

$11 + 12 + 13 + 10 + 17 + 18 + 19$

$5 + 4 + 3 + 2 + 1 + 19 + 18 + 17 + 16 + 15$



Катталикларни қўшаман ва айираман


Мактаб ўқитувчиси



Мен катталикларнинг қийматларини таққослашни, юзликларни қўшиш ва айиришни оғзаки ҳисоблашни ўрганаман.



1. Тахтадаги ёзувларни кўриб чиқинг. Ҳар бир устундаги мисоллар ўзаро қандай боғланган?



2. Мисоллар жуфтини топинг.

$$100 \text{ кг} + 500 \text{ кг}$$

$$300 \text{ кг} + 400 \text{ кг}$$

$$1000 \text{ кг} - 600 \text{ кг}$$

$$800 \text{ кг} - 500 \text{ кг}$$

$$100 \text{ см} - 5 \text{ дм}$$

$$9 \text{ дм } 6 \text{ см} - 3 \text{ см}$$

$$3 \text{ ц} + 4 \text{ ц}$$

$$1 \text{ ц} + 5 \text{ ц}$$

$$96 \text{ см} - 3 \text{ см}$$

$$10 \text{ ц} - 6 \text{ ц}$$

$$10 \text{ дм} - 5 \text{ дм}$$

$$8 \text{ ц} - 5 \text{ ц}$$




3. Диаграммани кўриб чиқинг ва ўқинг. Икки усул билан ечиладиган қилиб, масалаларнинг давомини ўйлаб топинг.



Мен 2-“А”
синфда
ўқийман.

Мен 2-“В”
синфда
ўқийман.



Мен 2-“Б”
синфда
ўқийман.



Ўғил болалар
Қиз болалар

- а) 2-“А” синфда 8 та ўғил бола ўқийди, қиз болалар сони эса ундан 4 та ортиқ. 2-“А” синфда нечта қиз болалар ўқийди?
б) 2-“...” синфда ... қиз бола ўқийди, ўғил болалар сони эса ундан ... та ортиқ (кам). 2-“...” синфда нечта ... ўқийди?

4. Таққосланг.

а)

$$5 \text{ дм } 3 \text{ см} * 56 \text{ см}$$

$$64 \text{ см} * 7 \text{ дм}$$

$$87 \text{ см} * 1 \text{ м}$$

$$1 \text{ дм } 5 \text{ см} * 2 \text{ дм}$$

$$7 \text{ дм } 5 \text{ см} * 75 \text{ см}$$

$$1 \text{ м} * 2 \text{ дм}$$

$$1 \text{ м} * 2 \text{ дм } 3 \text{ см}$$

$$10 \text{ дм} * 1 \text{ м}$$

$$9 \text{ дм } 9 \text{ см} * 1 \text{ м}$$

б)

$$5 \text{ л} + 8 \text{ л} * 3 \text{ л} + 7 \text{ л}$$

$$9 \text{ л} + 4 \text{ л} * 5 \text{ л} + 9 \text{ л}$$

$$12 \text{ л} - 8 \text{ л} * 14 \text{ л} - 8 \text{ л}$$

$$8 \text{ л} + 3 \text{ л} * 8 \text{ л} + 8 \text{ л}$$

5. Ифодаларни ўқинг ва қийматини топинг.

$$100 - (60 + 20)$$

$$50 - (40 - 20)$$

$$80 + (40 - 20)$$

$$(40 + 20) - 50$$

$$600 + (300 - 100)$$

$$(700 - 300) + 200$$

$$400 - (300 + 100)$$

$$1000 - (200 + 500)$$

Қўшиш ва айиришни рационал бажараман. Масалаларни турли хил усулларда ечиш

Уй вазифаси



Мен ҳисоблашларни рационал бажараман.



1. Сардор уй вазифасини бажарди. Вазифа Сардор учун қийин бўлди. У синфда синфдош дўстларидан ёрдам сўради. Болалар унга ўзларининг нусхаларини таклиф қилишди.


$$(8 + 6) + 2$$

$$?$$



$$(8 + 6) + 2$$

$$(8 + 2) + 6$$



Болалардан қайси бири Сардорга топшириқ ечимининг қулай усулини таклиф қилди деб ўйлайсиз? Тадқиқот олиб боринг.



Ўзингиз қулай усул билан ҳисобланг.



$$9 + 6 + 1$$

$$7 + 5 + 3$$

$$8 + 2 + 9$$

$$5 + 9 + 5$$

$$10 + 2 + 8$$

$$6 + 10 + 4$$

$$6 + 30 + 4$$

$$45 + 7 + 3$$

$$75 + 6 + 4$$



Дўстларингиз билан қулай усулда ҳисобланг.



$$(71 + 16) + 9$$

$$24 + (48 + 6)$$

$$(52 + 35) + 8$$

$$41 + (25 + 9)$$

$$32 + (8 + 19)$$

$$(53 + 19) + 7$$



Қўшишнинг гуруҳлаш хоссасини ёдингизга тушинг:

1) $\square + (\square + \square)$

2) $\square + (\square + \square)$

3) $\square + (\square + \square)$

2. Масалани ўқинг.

Қутида 10 та кўк, 20 та яшил ва 30 та қизил шар бор. Қутида жами нечта шар бор?



Бу масалани турли хил усуллар билан ечиш мумкин. Уларни ёзиб олинг.


1-усул

2-усул

3-усул

3. Чизмани кўриб чиқинг. Масалани ечинг.

а) Донхўракда 3 та читтак, 4 та каптар ва 6 та мусича бор. Донхўракда жами нечта қуш борлигини топинг.



б) Спорт дўконига 30 та халқа, 20 та арқонча ва 50 та копток олиб келинди. Спорт дўконига қанча спорт анжомлари олиб келинди?



4. Ҳисобламасдан таққосланг.

$$45 + 64 * 45 + 46$$

$$99 - 8 * 99 - 88$$

$$88 - 55 * 88 - 15$$

$$34 + 60 * 34 + 6$$

$$77 - 66 * 77 - 16$$

$$45 + 54 * 45 + 45$$



5. Тенглик тўғри бўладиган қилиб қавсларни қўйинг.

$$50 - 30 - 20 = 0$$

$$12 - 6 - 6 = 12$$

$$9 + 9 - 5 = 13$$

$$50 - 30 - 20 = 40$$

$$12 - 6 - 6 = 0$$

$$11 - 5 - 3 = 9$$

32 + 45, 77 - 32 кўринишдаги икки хонали сонларни қўшиш ва айириш алгоритми


Менинг мактабимдаги жисмоний тарбия дарси



Мен икки хонали сонларни қўшиш ва айириш алгоритмидан фойдаланишни ўрганаман.



- Жисмоний тарбия дарсидаги ўйин эстафетаси хиёбонда ўтказилди. Масалани ечиб, кимнинг байроқчаси қаерда эканлигини топинг.



- Ҳисоблашларни оғзаки тушунтиринг.

Ўнликлар	Бирликлар
● ● ●	● ●
● ● ● ●	● ● ● ●

$$\begin{array}{r} 32 + 45 \\ 77 - 32 \end{array}$$

Ўнликлар	Бирликлар
● ● ● ●	● ● ●
● ● ● ●	● ● ● ●

	3	2	
+	4	5	
—	7	7	



Устун кўринишида ёзиб олиб ҳисоблаш қулай.

	7	7	
-	3	2	
—	4	5	

Ўнликларни ўнликларнинг остига, бирликларни бирликларнинг остига ёзамиз.

Бирликларни қўшамиз: $2 + 5 = 7$.

Ўнликларни қўшамиз:

$3 \text{ ўнл.} + 4 \text{ ўнл.} = 7 \text{ ўнл.}$

Жавоб: йиғиндининг қиймати 77 га тенг.

Ўнликларни ўнликларнинг остига, бирликларни бирликларнинг остига ёзамиз.

Бирликларни айирамиз: $7 - 2 = 5$.

Ўнликларни айирамиз:

$7 \text{ ўнл.} - 3 \text{ ўнл.} = 4 \text{ ўнл.}$

Жавоб: айирманиннг қиймати 75 га тенг.

3. Устун шаклида ечинг ва тушунтиринг. Текширинг.

$36 + 23$

$59 - 23$

$89 - 28$

$51 + 23$

$43 + 25$

$63 - 21$

$57 + 22$

$72 - 21$

$75 + 23$

$67 - 36$

$59 - 45$

$86 - 33$

$98 - 65$

$44 + 42$

$43 + 24$

$54 + 25$



Турли хил бирликларда берилган катталикларни қўшиш ва айиришда аввал уларни бир хил бирликларга ўтказиб олиб, сўнгра ҳисоблашларни бажариш қулай.



4. Тушунтириб ҳисобланг.

$$\begin{array}{r} + 5 \text{ дм } 3 \text{ см} \\ + 3 \text{ дм } 2 \text{ см} \\ \hline 7 \text{ дм } 9 \text{ см} \\ - 2 \text{ дм } 6 \text{ см} \\ \hline \end{array}$$

$$\begin{array}{r} + 53 \text{ см} \\ + 32 \text{ см} \\ \hline 79 \text{ см} \\ - 26 \text{ см} \\ \hline \end{array}$$



$98 \text{ см} - 23 \text{ см}$

$29 \text{ см} - 13 \text{ см}$

$3 \text{ дм } 2 \text{ см} + 5 \text{ дм} + 6 \text{ см}$

$41 \text{ л} + 36 \text{ л}$

$95 \text{ см} - 63 \text{ см}$

$7 \text{ дм} + 8 \text{ см} - 2 \text{ дм } 5 \text{ см}$

$45 \text{ см} + 21 \text{ см}$

$4 \text{ дм } 2 \text{ см} + 47 \text{ см}$

$3 \text{ дм } 3 \text{ см} + 1 \text{ дм } 6 \text{ см}$

$31 \text{ л} + 14 \text{ л}$

$7 \text{ дм } 6 \text{ см} - 5 \text{ дм } 2 \text{ см}$

$9 \text{ дм } 4 \text{ см} - 6 \text{ дм } 3 \text{ см}$

5. Масаланинг қисқа ёзувини ёки чизмасини тузинг. Уни ечинг.

а) Жисмоний тарбия дарсида ўтказилган мусобақада иккинчи синфдан 7 та қиз бола ва учинчи синфдан 6 та қиз бола қатнашди. Тўртинчи синфдан қатнашган қиз болалар сони эса иккинчи ва учинчи синфлардан биргаликда қатнашган қиз болалар сонига тенг. Тўртинчи синфлардан қатнашган қиз болалар сонини топинг.

б) Сонлар билан берилган масаланинг шартини тўлдириг ва уни ечинг.

Мусобақада та қиз бола қатнашди. Улардан таси югурди, қолганлари эса узунликка сакрашди. Нечта қиз бола узунликка сакради?



Мактабда спорт тўғараклари





Мен икки хонали сонларни қўшиш ва айириш алгоритмини ўрганаман.



1. Оқила ва Сардорнинг қандай ҳисоблаганини кўриб чиқинг. Сонлар модели ёрдамида қандай ҳисоблаш мумкинлигини тушунтиринг.



$$\begin{array}{r} 1 \\ 27 \\ + 3 \\ \hline 30 \end{array}$$




$$\begin{array}{r} 30 \\ - 3 \\ \hline 27 \end{array}$$



2. а) Ҳисоблашларни тушунтиринг.

$$\begin{array}{r} 46 \\ + 14 \\ \hline 60 \end{array} \quad \begin{array}{r} 60 \\ - 14 \\ \hline 46 \end{array}$$



... ёзаман.

Бирликларни қўшаман:

$6 + 4 = 10 = 1$ ўнлик 0 бирлик
 0 ни бирликларнинг остига ёзамиз ва ўнликларга қўшиш учун 1 ўнликни ёдда сақлайман.

Ўнликларни қўшаман:

4 ўнл. $+ 1$ ўнл. $+ 1$ ўнл. $= 6$ ўнл.

Жавоб: йиғиндининг қиймати ...га тенг.

... ёзаман.

Бирликларни айираман:

Нолдан 4 ни айира олмайман.

Битта ўнликни оламан, ёддан чиқармаслик учун нуқта қўйиб оламан.

6 ўнл. $= 5$ ўнл. $+ 10$

$10 - 4 = 6$ айиришни бажараман.

Бирликларнинг остига 6 ни ёзаман.

Ўнликларни айираман.

5 ўнликдан 1 ўнликни айираман, шунда 4 ўнлик қолади.

Жавоб: айирманинг қиймати ...га тенг.

б) Айиришни тушунтиринг.

$$\begin{array}{|c|c|c|c|} \hline & & 1 & \\ \hline & & 8 & 2 \\ \hline + & & 1 & 8 \\ \hline \hline & 1 & 0 & 0 \\ \hline \end{array}$$

$$\begin{array}{|c|c|c|c|} \hline & & 9 & 10 \\ \hline & & 1 & 0 & 0 \\ \hline - & & 8 & 2 \\ \hline \hline & & 1 & 8 \\ \hline \end{array}$$

... ёзаман.

Бирликларни қўшамиз:

$$2 + 8 = 10 = 1 \text{ ўнл. } 0 \text{ бирл.}$$

0 ни бирликларнинг остига ёзаман ва ўнликларга қўшиш учун 1 ўнликни ёдда сақлайман.

Ўнликларни қўшаман:

$$8 \text{ ўнл. } + 1 \text{ ўнл. } + 1 \text{ ўнл. } = 10 \text{ ўнл. } = 1 \text{ юзл.}$$

0 ни ўнликларнинг остига ёзаман ва 1 ни ўнликларнинг чап томонига ёзаман.

Жавоб: йиғинди ...га тенг.

... ёзаман.

Бирликларни айираман:

Нолдан 2 ни айира олмайман.

Битта ўнликни оламан, ёддан чиқармаслик учун нуқта қўйиб оламан.

$$1 \text{ юзл. } = 10 \text{ ўнл. } = 9 \text{ ўнл. } + 1 \text{ ўнл.}$$

$10 - 2 = 8$ 8 ни бирликларнинг остига ёзаман.

Ўнликларни айираман:

$$9 \text{ ўнл. } - 8 \text{ ўнл. } = 1 \text{ ўнл.}$$

Жавоб: айирма ... га тенг.

3. Устун шаклида ҳисобланг. Текширинг.

$$43 + 17$$

$$37 + 13$$

$$49 + 21$$

$$90 - 18$$

$$60 - 35$$

$$33 + 67$$

$$50 - 14$$

$$100 - 53$$

$$100 - 67$$

$$100 - 18$$

$$24 + 76$$

$$44 + 56$$

4. Масалаларни ечинг.

а) Карате тўғарагига 40 та ўқувчи, баскетболга ундан 14 та кам, волейболга эса карате ва баскетбол тўғарақларига қатнашадиган ўқувчиларнинг биргаликдаги сонига тенг ўқувчи қатнашди. Волейбол тўғарагига нечта ўқувчи қатнашди?

б) Биринчи чоракда Темур спорт гимнастикаси тўғарагининг 21 машғулотига қатнашди, иккинчи чоракда шунча ва учинчи чоракда 18 та машғулотга қатнашди. У учта чоракда жами нечта машғулотга қатнашди?



5. Тушунтириб ҳисобланг.

$$\begin{array}{r} + 6 \text{ дм } 3 \text{ см} \\ + 1 \text{ дм } 7 \text{ см} \\ \hline \end{array}$$

$$\begin{array}{r} + 5 \text{ дм } 2 \text{ см} \\ + \quad \quad 8 \text{ см} \\ \hline \end{array}$$

$$\begin{array}{r} - 8 \text{ дм } 0 \text{ см} \\ - \quad \quad 4 \text{ см} \\ \hline \end{array}$$

$$\begin{array}{r} - 7 \text{ дм } 0 \text{ см} \\ - 1 \text{ дм } 5 \text{ см} \\ \hline \end{array}$$

Дарсда тинглашни ва тушунтиришни ўрганаман



Мен икки амалли масалаларни турли хил усуллар билан ечишни ўрганаман.



1. Партадошингиздан 1-а жадвалдаги топшириқни тушунтириб беришни илтимос қилинг. Топшириқ сизга тушунарлими? Энди эса сиз 1-б жадвал билан қандай иш олиб боришингизни тушунтиринг.



а)


Қўшилувчи	5	10	7
Қўшилувчи	9	7	9
Йиғиндининг қиймати			

б)


Қамаювчи	5 + 9	10 + 7	7 + 9
Айрилувчи	8	9	6
Айирманинг қиймати			




2. Расмлар ва уларга доир ифодаларни кўриб чиқинг. Берилган йиғиндидан сонни турли хил усулда айиришни тушунтиринг. Хулоса чиқаринг.



1) $(5 + 4) - 3$




2) $(5 - 3) + 4$



3) $(4 - 3) + 5$


1-усул:

$(a + b) - c$




2-усул:

$(a - c) + b$



3-усул:

$(b - c) + a$



Йиғиндидан сонни турли хил усулларда айириш мумкин:

1) $(a + b) - c$ йиғиндидан сонни айиринг.

2) Биринчи қўшилувчидан сонни айириб, иккинчи қўшилувчини қўшиш $(a - c) + b$.

3) Иккинчи қўшилувчидан сонни айириб, биринчи қўшилувчини қўшиш $(b - c) + a$.



3. Қулай усулда ечинг.

$$(7 + 6) - 5$$

$$(4 + 8) - 3$$

$$(46 + 29) - 19$$

$$(5 + 6) - 4$$

$$(8 + 7) - 6$$

$$(67 + 24) - 37$$



4. Масалани дўстингизга ўқиб беринг. Муҳокама қилинг ва ечинг.

Гулзорда 8 та оқ ва 7 та қизил атиргул очилди. Гулдаста тайёрлаш учун 5 та атиргул узиб олинди. Гулзорда неча атиргул қолди?

Бу масалани турли хил усулларда ечиш мумкин. Бир усул билан ечдингиз. Масалани ечишнинг бошқа усуллари топишга ҳаракат қилинг. Расмларни кўриб чиқинг. Қандай рангли атиргулларнинг узиб олиниши мумкинлигини ўйлаб кўринг.



Ҳар бир ҳолда масаланинг қандай ечилганлигини тушунтиринг.

1-усул: $(8 + 7) - 5 =$

2-усул: $(8 - 5) + 7 =$

3-усул: $(7 - 5) + 8 =$



5. а) Омборда 60 қоп гуруч ва 40 қоп макарон бор эди. Дўконга 30 қоп юборилди. Омборда неча қоп қолди.

б) Саёҳатчилар шаҳарга етиб бориши учун автобусда 3 соат, поездда 7 соат юриб, қайиқда 5 соат сузишди. Улар жами неча соат йўл юришган?

6. Устун шаклида тушунтириб ҳисобланг. Текширинг.

а) $34 + 66$

$100 - 37$

$51 + 49$

$100 - 82$

$35 + 15$

$50 - 27$

б) $3 \text{ дм } 4 \text{ см} + 6 \text{ дм } 6 \text{ см}$

$34 \text{ см} + 66 \text{ см}$

$1 \text{ м } 0 \text{ дм } 0 \text{ см} - 3 \text{ дм } 4 \text{ см}$

$100 \text{ см} - 34 \text{ см}$

$3 \text{ дм } 5 \text{ см} + 4 \text{ дм } 5 \text{ см}$

$35 \text{ см} + 45 \text{ см}$



7. Қулай усулда ҳисобланг.

$$(59 - 12) - 9$$

$$(25 + 36) - 6$$

$$(27 + 13) - 5$$

$$(42 + 19) - 2$$

$$(55 + 28) + 5$$

$$(12 + 88) - 50$$



... ёзаман

Бирликларни қўшаман:

$$5 + 8 = 13 = 1 \text{ ўнл. } 3 \text{ бирл.}$$

3 бирликни ёзиб, ўнликларга қўшиш учун 1 ўнликни ёдда сақлайман.

Ўнликларни қўшаман:

$$1 \text{ ўнл. } + 2 \text{ ўнл. } + 1 \text{ ўнл. } = 4 \text{ ўнл.}$$

Жавоб: йигиндининг қиймати ... га тенг.

... ёзаман

Бирликларни айираман:

3 дан 5 ни айира олмайман.

1 ўнлик ва 3 бирликни оламан.

Бу 13.

$$13 - 5 = 8$$

8 ни бирликларнинг остига ёзаман.

Ўнликларни айираман:

$$3 \text{ ўнл. } - 1 \text{ ўнл. } = 2 \text{ ўнл.}$$

Жавоб: айирманинг қиймати ...га тенг.

3. Устун шаклида ҳисобланг.

$$36 + 28$$

$$95 - 8$$

$$34 + 58$$

$$67 - 59$$

$$18 + 64$$

$$72 - 26$$

$$37 + 18$$

$$54 + 28$$

$$100 - 37$$


$$92 - 56$$

$$78 + 17$$

$$78 - 49$$



4. а) Велопойгага 100 киши қатнашди. Улардан 35 таси эркаклар, 25 таси аёллар, қолганлари эса болалар. Велопойгада нечта бола қатнашди?



б) Хиёбонга 96 та дарахт кўчати ўтқазилди. Улардан 62 таси қайин, 40 та заранг ва қолганлари эса терак кўчатлари. Хиёбонга нечта терак кўчати ўтқазилди?

в) Хиёбонга ўтқозиш учун 36 та арча ва 24 та қарағай кўчатлари тайёрлаб қўйилди. 12 та кўчат ўтқазилди. Нечта кўчат ўтқазилиши керак?



5. Ҳисобламай, таққосланг.

$$42 + 58 * 42 + 18$$

$$51 - 31 * 51 - 21$$

$$60 - 14 * 60 - 24$$

$$46 + 34 * 64 + 34$$

6. а) Кўрсатилган ўлчов бирликларида ифодаланг.

$$40 \text{ см} = \square \text{ дм}$$

$$4 \text{ дм } 2 \text{ см} = \square \text{ см}$$

$$200 \text{ кг} = \square \text{ ц}$$

$$86 \text{ см} = \square \text{ дм } \square \text{ см}$$

$$100 \text{ см} = \square \text{ м}$$

$$4 \text{ м} = \square \text{ см}$$

б) Ҳисобланг.

$$3 \text{ дм } 5 \text{ см} + 2 \text{ дм } 7 \text{ см}$$

$$5 \text{ дм } 3 \text{ см} + 3 \text{ дм}$$

$$9 \text{ дм } 35 \text{ см} + 27 \text{ см}$$

$$9 \text{ дм } 4 \text{ см} - 7 \text{ дм } 5 \text{ см}$$

$$94 \text{ см} - 75 \text{ см}$$

$$53 \text{ см} + 39 \text{ см}$$

Масалаларни ечиш

Менинг синфим



Мен икки амалли масалаларни турли хил усуллар билан ечишни ўрганаман.




1. Математика дарсига кубчалар солинган қути олиб келинди. Расмларга қараб Темурнинг қутидан қандай қилиб кубчаларни олганлигини айтиб беринг. У нечта кубча олди? Қандай кубчаларни олди? Қутида нечта кубча қолди?

Ҳисоблашларнинг турли усулларини тушунтиринг.

$$1\text{-усул: } 15 - (5 + 2) = 15 - 7$$

$$2\text{-усул: } 15 - (5 + 2) = (15 - 5) - 2$$

$$3\text{-усул: } 15 - (5 + 2) = (15 - 2) - 5$$



Кубчалар солинган қутини олинг. Ичидан бир нечтасини чиқариб олинг. Нима бўлди? Тушунтиринг, ёзиб олинг.




Ҳисобланг. Дўстингизга тушунтиринг.

$$18 - (9 + 1) \qquad 15 - (7 + 8) \qquad 13 - (4 + 5)$$


$$16 - (7 + 3) \qquad 12 - (8 + 2) \qquad 14 - (6 + 2)$$

Чизмалардан фойдаланиб, ифодаларни таққосланг. Нимани кўрдингиз?

$$a - (b + c)$$



$$a - b - c$$



Йиғиндидан сонни турли хил усулларда айириш мумкин:

1) Йиғиндининг ҳаммасини айириш $a - (b + c)$.

2) Аввал битта қўшилувчи, сўнгра иккинчи қўшилувчи айрилади $(a - b) - c$, $(a - c) - b$.




2. Мактабга 70 та стул олиб келинди. Бир синф хонасига 25 та стул, иккинчи хонага эса 15 та стул олиб кирилди. Нечта стул қолди? Чизмани кўриб чиқинг. Масалани ечишнинг турли усулларини тушунтиринг.

I усул $70 - (15 + 25) =$

II усул $(70 - 15) - 25 =$

III усул $(70 - 25) - 15 =$



3. а) Синфимиздаги жавонда 50 та китоб бор эди. Улардан 17 таси рус тилида, 23 таси қозоқ тилида ва қолганлари эса инглиз тилида. Китоб жавонида инглиз тилидаги китоблар сони нечта?

б) Бадий меҳнат дарси учун аввал 45 та, сўнгра яна 30 та рангли картон сотиб олинди. 20 та рангли картон тарқатилди. Нечтаси қолди?

в) Синфни безаш учун чироқлар маржони илиб чиқилди. Чироқлар маржонида 40 та қизил ва 30 та яшил чироқлар бор. 10 та чироқ куйиб қолди. Нечта чироқ қолди?

4. Устун шаклида ҳисобланг. Текширинг.

а)

$$36 + 14$$

$$43 + 37$$

$$62 + 28$$

$$26 + 53$$

$$90 - 34$$

$$50 - 13$$

$$49 - 23$$

$$70 - 31$$

б) Ҳисобланг.

$$\begin{array}{r} + 7 \text{ дм } 3 \text{ см} \\ 1 \text{ дм } 7 \text{ см} \end{array}$$

$$\begin{array}{r} - 8 \text{ дм } 0 \text{ см} \\ 5 \text{ дм } 3 \text{ см} \end{array}$$

$$\begin{array}{r} + 6 \text{ дм } 2 \text{ см} \\ 2 \text{ дм } 6 \text{ см} \end{array}$$

$$\begin{array}{r} - 5 \text{ дм } 0 \text{ см} \\ 3 \text{ дм } 5 \text{ см} \end{array}$$

5. Сонларни ўсиб бориш тартибида атанг, центнерларга ўтказинг, сонларни камайиб бориш тартибида атанг.

200 кг

500 кг

1000 кг

300 кг

400 кг

600 кг

900 кг

700 кг

800 кг

Мустаҳкамлаш

Менинг қувноқ, аҳил синфим



Мен бўлим материални такрорлайман.



1. Биз синфимиз билан саёҳатга чиқдик. Ҳар бир расм ёнидаги ёзувларни кўриб чиқинг. Биринчи ўнликкача тўлдирсангиз, қайси ўқувчилар саёҳатга борганлигини билиб оласиз.

$$68 + \square = 70$$



$$26 + \square = 30$$





$$35 + \square = 40$$



$$52 + \square = 60$$



2. а) Ҳисоблашларни тушунтиринг.



б) Ҳисобланг.

$$46 + 54$$

$$67 + 33$$

$$37 + 63$$

$$100 \text{ см} - 38 \text{ см}$$

$$100 - 39$$

$$100 - 48$$

$$100 - 17$$

$$38 \text{ см} + 62 \text{ см}$$

$$100 - 46$$

$$72 + 28$$



$$100 - 22$$

$$57 \text{ см} + 43 \text{ см}$$



3. Масалани қисқа ёзув билан ёзинг ва ечинг.

а) Бор эди – 35 та ва 25 та дафтар
Тарқатилди – 20 та дафтар
Қолди – ? та дафтар




б) Бор эди – 26 та мандарин ва 23 та апельсин
Сотилди – 25 та мева
Қолди – ? та мева




4. а) Масалани ечинг.



Ўқувчилар мактаб ҳовлисини безатишди. Улар учта гулзорга 45 та гул ўтқазилди. Биринчи гулзорга – 15 та гул, иккинчи гулзорга – 19 та гул ўтқазилди. Учинчи гулзорга нечта гул ўтқазилди?



б) Тескари масала тузинг ва ечинг.



5. Мактаб ҳовлисини безатишда Анвар 25 та сурат, Илҳом эсандан 17 та кам сурат туширди. Ўғил болалар жами нечта сурат туширишди? Масаланинг саволини масала бир йўл билан ечиладиган қилиб ўзгартиринг. Тескари масала тузинг ва ечинг.



6. Ҳисоблашлардаги хатоликларни топишга ёрдам беринг. Текширинг.



$\begin{array}{r} + 67 \\ 33 \\ \hline 90 \end{array}$	$\begin{array}{r} - 100 \\ 18 \\ \hline 92 \end{array}$	$\begin{array}{r} + 47 \\ 28 \\ \hline 65 \end{array}$	$\begin{array}{r} - 42 \\ 28 \\ \hline 24 \end{array}$
--	---	--	--



Мақсадингизга эришганлигингизни текширинг:

Мен йириклаштирилган ҳисоб бирлиги – 100 ни ҳосил қила оламан;

1000 гача юзликлар билан санай оламан, ёза оламан, таққослай оламан.

Мен юзликларни оғзаки қўшиб, айира оламан.

Мен икки хонали сонларни қўшиш ва айиришни ўргандим.

Мен ҳисоблашларни осонлаштириш учун қўшишнинг ўрин алмаштириш ва гуруҳлаш хоссаларидан фойдалана оламан.

Мен икки-уч амалли қавсли ва қавсиз ифодаларнинг қийматини топишни ўргандим.

Мен масалаларни таҳлил қилишни ва ечишни биламан, уларга тескари масалалар тузиб, еча оламан.

Мен 100 гача ва юзликлар билан 1000 гача сонлар кетма-кетлигининг жойлашиш қонуниятини аниқлай оламан.

Мен см, дм, м/кг, ц/л/соат, мин, ой, йил каби катталиқларнинг қийматини таққослай оламан, улар устида амаллар бажара оламан.

БИЛИШ

Мен йириклаштирилган ҳисоб бирлиги – юзни биламан, юзликларда санай оламан, ёза оламан, 1000 гача бўлган юзликлар кетма-кетлигининг жойлашиш қонуниятини аниқлай оламан. Катталиқларни қандай таққослашни биламан.

Тўлиқ юзликларни атанг ва уларни камайиш тартибида ёзинг.
1 дм 1 см, 45 см, 5 дм 6 см, 9 дм, 5 дм 4 см катталиқларни таққосланг ва уларни ўсиб бориш тартибида ёзинг.

ТУШУНИШ

Юзликларда қўшиш ва айиришни оғзаки ҳисоблай оламан.

Ҳисобланг. Бир хил мисолларни топинг.

$$300 + 400$$

$$3 \text{ ўнл. } 5 \text{ бирл. } + 4 \text{ ўнд. } 2 \text{ бирл.}$$

$$35 + 42$$

$$3 \text{ ўнл. } 5 \text{ бирл. } + 6 \text{ ўнл. } 5 \text{ бирл.}$$

$$35 + 65$$

$$3 \text{ юзл. } + 4 \text{ юзл.}$$

$$900 - 500$$

$$9 \text{ ўнл. } 8 \text{ бирл. } - 5 \text{ ўнл.}$$

$$98 - 50$$

$$4 \text{ ўнл. } 5 \text{ бирл. } - 2 \text{ ўнл. } 3 \text{ бирл.}$$

$$45 - 23$$

$$9 \text{ юзл. } - 5 \text{ юзл.}$$

ҚЎЛЛАНИШ

Икки хонали сонларни қўшиш ва айириш алгоритмидан фойдаланишни ўргандим.

Ҳисобланг ва текширинг.

$$86 - 32$$

$$69 + 31$$

АНАЛИЗ

Масалаларни таҳлил қиламан ва турли хил усуллар билан еча оламан.

Қисқа ёзув ёки чизма тузинг. Масалани турли хил усулларда ечинг.
